


ХИТОЙЛИКЛАР ҚОВУН ИМПОРТИГА РУХСАТ БЕРМОҚЧИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясида 2019 йил 13 май куни Хитой Халқ Республикаси Бош божхона бошқармасининг вазир ўринбосари Ли Гоа бошчилигидаги делегация билан учрашув ташкил этилди.

Бу ҳақида “Ўздавқарантин” инспекцияси хабар берди. Учрашувда томонлар мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавотларни Хитойга экспорт қилиш олди-дан фитосанитар рухсатномаларни тақдим этишни тезлаштириш, қовун экспорти учун тегишли орган рухсатномасини олиш ва полизларга қовун ҳолатини ўрганувчи хитойлик экспертларни жалб этиш масалаларини муҳокама этишди.

Шунингдек, фитосанитария соҳасида ҳамкорлик истиқболларини белгилаш, экспорт учун янада қулай логистика йўналишини яратиш, Ўзбекистондан Хитой-Қозғистон чегарасидаги айрим пунктлар орқали Хитойга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, гилос экспортига рухсатнома олиш сингари кўплаб экспорт-импорт йўналишлари ҳам кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида “Ўздавқарантин” инспекцияси ва Хитой Бош божхона бошқармаси ўртасида 2019-2020 йилларда ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси имзоланди.



Ҳужжатда Хитойга қовун, анор, узум, лимон ва бошқа маҳсулотлар экспорти учун рухсатнома тақдим этиш, фитосанитар хавфлар таҳлили, лаборатория диагностикаси ва зарарсизлантириш йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш ва

малакасини ошириш юзасидан тренинглари ўтказиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда маҳаллий ҳокимликлар томонидан ХХР Давлат божхона маъмурияти учун зарур фитосанитар инфратузилмалар барпо этиш ишлари бош-лаб юборилган.

Қайд этиш жоизки, 2018 йилда қадоқлаш цехларининг сони 5 тани ташкил этган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 9 тага етди. Экспортчи тадбиркорлар гилосни Хитойга мазкур цехлар орқали экспорт қилиши мумкин.

Учрашув якунида Хитой Бош божхона бошқармаси карантин департаменти экспертлари жорий йилда мамлакатимизга келиши маълум қилинди.

Улар қовун импортига рухсатнома бериш учун полизларга бориб, қовун ҳолатини ўрганади.

Карантиндаги зараркунандаларни бартараф этиш, қовун пашшасига қарши курашишда зарур воситалардан фойдаланганлик даражаси ҳамда дала назорати борасида олиб борилган ишлар ҳолатини ўрганади.

А.Мусоев, ЎЗА

МУТАХАССИСЛАР ДОИМО ХУШЁР

Республикаимизнинг Қувасой туманида жойлашган “Ўзбекистон” божхона – чегара постидамиз. Бу ерда бошқа хизматлар қатори ўсимликлар карантини инспекцияси ходимлари ҳам ўз вазифасини сифатидан ёндошган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Қирғизистон давлатидан келаётган барча техника воситалари, турли мақсадларда чегарани кесиб ўтаётган кишилар кўриқдан ўтказилмоқда, улар билан ўсимликлар карантини

бўйича қисқа суҳбатлашилмоқда. Чунки бу хизматнинг ҳам ўзига хос аҳамиятли жиҳати бор. Чегарада турган ўсимликлар карантини инспекцияси пункти инспектори Муқимжон Мўйсинжоновнинг эътирофи эътишча, чегарадан ўтаётган кишиларнинг кўпчилиги ўсимлик оламига мансуб турли маҳсулотларни олиб ўтишга ҳаракат қилишади. Баъзан картошка ё пиёз арзон экан шуни бозордан олувдим, бор- йўғи уч- тўрт кило нарса-да

нима қипди, ўтиб кета қолай, бошлиқ, дейди. Ўйламайдики, ана шу арзимас туюлган нарса ичида карантин ҳисобланган ҳавфли ҳашорат ё унинг уруғи бўлиши мумкин. Агар биз уни ўтказиб юборсак ҳавфли карантин ўсимлик уруғи ё ҳашарот бирпасда кўпайиб бутун бошли пайкаллардаги ҳосилга чанг солиши ҳеч гапмас. Масалан картошка куяси, ўзи жимитдек. Баъзан кўзга кўринмайди, аммо нафақат пайкалдаги, балки омбордаги 30-40